

# **7-Мавзу: Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

- 1 Ер ҳуқуқбузарлиги тушунчаси.**
- 2.Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик турлари.**
- 3.Ер қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг мазмуни**

## **7-Мавзу. 1-маъруза:**

# **Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тушунчаси**

- 1. Ер ҳуқуқбузарлиги тушунчаси.**
- 2. Ер ҳуқуқбузарлиги субъекти ва объекти.**

# МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИ ЎТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони :100</i>	7-Мавзу, 1-маъруза. 2 соат
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Маъруза-ахборот
<i>Машғулотнинг режаси:</i>	1.Ер ҳуқуқбузарлиги тушунчаси. 2.Ер ҳуқуқбузарлиги субъекти ва объекти.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> <b>Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш.</b>	
<b><i>Педагогик вазифалар:</i></b>	<b><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></b>
1.Ер ҳуқуқбузарлиги тўғрисида тушунча беради 2.Ер ҳуқуқбузарлиги субъекти ва объекти тўғрисида тушунча беради	1.Ер ҳуқуқбузарлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлади 2.Ер ҳуқуқбузарлиги субъекти ва объекти тўғрисида тасаввурга эга бўлади
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	намойиш, ақлий ҳужум,
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, коллектив иш,
<i>Ўқитиш шарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

# МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 15 дақиқа	<p>Гуруҳлар давомати назорат қилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза -ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	<p>2.1.Мвзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

# МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

## Асосий:


1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. **Land Law**: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи**. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан**. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А. Нигматов. **Ер ҳуқуқи**. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: “Ислон Университети”, 2001. – 191б.
5. А. Нигматов. **Земельное право**. Учебное пособие – Т.: “Ислон Университети”, 2001. – 189 б.
6. М. Mirzaabdullaeva, А. Muqimov, Z. Xafizova. **Yer huquqi**, O'quv qo'llanma.- Т.: TIMI, 2016.-196 б

## Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Ўзбекистон, Т.: 1998
2. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида, Жиноий жавобгарлик тўғрисида” кодекслари.
3. Ўзбекистон республикасининг ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратига оид қонуности ҳужжатлари.

## Интернет ресурслари

1. [http:// www. colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)



**Er қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликка тортиш тартибини белгиловчи манбалар**

**Қонун ости ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикаси ВМ қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари

Судларнинг қарорлари

**Қонунлар**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

53-модда

54 - модда

55-модда

79-модда

82-модда

**11-606**

**Ер кодекси**

**14-606**

91-модда

~~90-модда~~

**Жиноят кодекси**

193-модда

197-модда

8-модда

**МЖТК**

21-модда

65-модда

66-модда



# ЕРЛАРНИ ХУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ

ЕК 79-модда

“Ерларни муҳофаза қилиш улардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, унинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан асоссиз равишда олиб қўйилишининг олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизимини қамраб олади”.

**ЮРИДИК  
ЖАВОБГАРЛИК  
ТУШУНЧАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси  
қонунчилик ҳужжатлари  
нормаларига қарама-қарши  
бўлган айбли хатти-ҳаракат  
ёки ҳаракатсизлик учун  
жавобгар шахс тортиладиган  
жавобгарлик**

**Ер  
ҳуқуқбузарлиги  
тушунчаси**

**Ер ҳуқуқбузарлиги деганда,  
ер ҳуқуқи нормаларига  
қарама-қарши бўлган айбли  
хатти-ҳаракат ёки  
ҳаракатсизлик тушунилади**



# ЕР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ

## СУБЪЕКТЛАРИ

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи қоидаларини бузувчилар, яъни **ҳуқуқбузарлик субъектлари** бўлиб қишлоқ хўжалик корхоналари, давлат ва кооператив ташкилотлари, фуқаролар бўлиши мумкин. Шунингдек, давлат хокимият ва бошқарув органлари, саноат корхоналари, бошқа ташкилотлар ҳам бу ҳуқуқбузарликнинг субъектлари бўлишлари мумкин.

## ОБЪЕКТЛАРИ

**Ҳуқуқбузарликнинг объекти** бўлиб, биринчи навбатда давлатнинг ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи; қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналарнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи; ердан қонуний фойдаланиш тартиби ҳисобланади. Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг бузилиши асосан шу санаб ўтилган ҳуқуқ ва манфаатларга қарши қаратилган бўлиб, шу ҳуқуқ ва манфаатларнинг амалга оширилишига тўсиқ бўлади

## ЕР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ МАЗМУНИ

Ердан фойдаланиш ҳуқуқбузарлигининг мазмунини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларга иқтисодий, моддий ва маънавий, экологик зарар этказишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ташкил этади. Чунки: қонунга зид тузилган битимлар, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ер участкаларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан асоссиз олиб қўйиш, уларни захарли химикатлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлослантириш, ер участкалари чегара марзаларини бузиб ташлаш ва шунга ўхшаш ҳаракатлар орқали маълум бир ҳуқуқбузарликлар содир этилса, вақтинча эгаллаб турган ерни қайтариб бериш муддатини бузиш ёки шу ерларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бериш мажбуриятларини бажармаслик, ёввойи ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаслик, тупроқни шамол, сув таъсирида эмирилишдан сақлаш мажбуриятларини бажармаслик ва шунга ўхшаш ҳаракатсизлик оқибатида ҳам ҳуқуқбузарликлар содир этилади.

**ЕРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ  
ҲУҚУҚИНИ  
БУЗИШ  
ТУШУНЧАСИ**

**Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш деганда, давлатнинг ерга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига қарши қаратилган, ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган, ердан оқилона ва самарали фойдаланишни таъмин этишга халал берадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар тушунилади.** Ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига қарши турли хил хатти-ҳаракатлар орқали бузилиши мумкин бўлиб уларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-моддасида келтирилган.

**Хуқуқбузарни  
жавобгарликка  
тортишга асос**

Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортишга асос бўлиб ер ҳуқуқбузарлиги содир этилиши ва шу ҳуқуқбузарлик учун қонунчилик ҳужжатида жавобгарлик чораси белгиланган бўлиши керак. Шунини таъкидлаш лозимки, ер қонунчилиги ҳужжатларида уларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини ифодаламайди. Шунинг учун ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун ҳуқуқий чоралар бошқа ҳуқуқ соҳалари қонунчилик ҳужжатларида, масалан, жиноят, фуқаролик, маъмурий кодексларида кўрсатилган. Бироқ, бу соҳаларда белгиланган жавобгарлик чораларини қўллаш учун ҳуқуқбузар на фанат ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузгани балки бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳам ҳуқуқ нормаларини бузган бўлиши керак. Шундагина айбдорларни юқорида келтирилган қонунчилик ҳужжатлари нормаси билан жавобгарликка тортиш мумкин.

## ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

ЕК 90-модда

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан амалга оширилган ер участкалари олди-сотдиси, уларни хадя килиш, гаровга кўйиш (ер участкасига мерос килиб қолдириладиган умрбод эгалик килиш ҳуқуқини, шу жумладан, кимошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга кўйиш бундан мустасно), ер участкаларини ўзбошимчалик билан айирбошлаш ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бундай битимларни амалга оширишда айбдор шахслар қонунга биноан жавобгар бўладилар.

# ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

ЕК 90-модда

Куйидаги ҳолатларда ҳам айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар:

**1. ерлардан белгиланган мақсадда  
фойдаланмаганликда;**

*МЖТК 65-моддасининг биринчи қисми*

**2. ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб  
олганликда;**

*МЖТКнинг 60-моддаси; ЖКнинг 229-1-моддаси*

**3. кишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни  
яроқсиз ҳолга келтирганликда, уларни кимёвий ва  
радиоактив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари  
ва оқова сувлар билан ифлослантирганликда;**

*МЖТК 65-моддасининг иккинчи қисми; ЖКнинг 197-  
моддаси*

# ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

ЕК 90-модда

4. ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштирганликда, курганликда, лойихалаштирганликда, фойдаланишга топширганликда;

*ЖКнинг 193-моддаси*

5. ерлардан фойдаланишнинг табиатни муҳофаза қилишга оид талабларини бажармаганликда;

*ЖКнинг 197-моддаси*

6. вақтинча эгаллаб турилган ерларни қайтариш муддатини бузганликда ёки ерларни белгиланган мақсадда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга оид мажбуриятларни бажармаганликда;

*МЖТКнинг 67-моддаси*

# ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

ЕК 90-модда

7. ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларга ва мулкдорларга карашли ер участкаларининг марза белгиларини йўқ қилганликда;

*МЖТКнинг 69-моддаси*

8. давлат ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатганликда;

*МЖТКнинг 68-моддаси*

9. ўзбошимчалик билан пичан ўрганликда ва чорва моллар бокканликда;

*МЖТКнинг 77-моддаси*

10. ёввойи ўтлар ва зараркунандаларга карши кураш чораларини кўрмаганликда;

*МЖТКнинг 107-моддаси*

11. ерлардан хўжасизларча фойдаланганликда, ерларнинг холатини яхшилаш ҳамда тупрокни сув ва шамол эрозиясидан ва тупрок холатининг ёмонлашувига олиб келадиган бошка жараёнлардан саклаш мажбуриятларини бажармаганликда;

*МЖТК 65-моддасининг биринчи қисми*

12. ер участкалари бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатлари ва тартибини бузганликда.

*МЖТКнинг 66-моддаси*



# Шўрланган суғориладиган ер майдонлари





# Режадаги пахта майдони ўрнига экилган полиз



**Қашқадарё вилояти Китоб тумани Ш.Умаров номли массивда жойлашган “Гулранг Дурмон” 1,2 гектар кесакли майдонга экилган галла**



Я.Омонов массиви “Ашуров Нурали” фермер хўжалиги 25-контур 0,6 гектар кесакли майдон.

Ш.Умаров номли массив «Гулранг Дурмон» фермер хўжалиги 1,2 гектар кесакли.



2009/11/10 14:55:00

**Қашқадарё вилояти Қарши тумани Я.Омонов номли массивидаги  
Ашуров Нурали номли фермер хўжалиги харитасида 25-контурдаги  
0,6 гектар кесакли майдонга экилган галла**




Я.Омонов массиви "Ашуров Нурали" фермер хўжалиги 25-контур  
0,6 гектар кесакли майдон.



**Самарқанд вилояти Пахтачи тумани Ш.Қаххаров ММТП худудида жойлашган “Бахтиёр тонг” фермер хўжалигига қарашли 0,4 гектар сувли ер майдони ноқонуний равишда уй-жой қуришга берилган**



Пахтачи тумани Ш.Қаххаров ММТП  
Бахтиёр тонг ф.х 0,4 га сувли ер  
ноқонуний уй-жойга берилган



Жомбой тумани У.Носир ММТП  
Маматов М ф.х 0,2 га бог  
ноқонуний уй-жойга берилган



Тайлок тумани “Богизагон” ММТП  
Эсон Туйчи ф.х 0,2 га сувли ер  
ноқонуний эгаллаб олинган



Жомбой тумани Низаматов ММТП  
Абдулла ф.х 0,06 га сувли ер  
ноқонуний уй-жойга берилган



Жомбой тумани “Дустлик” ММТП  
Бердикул ота ф.х 0,8 га тутзор  
ноқонуний уй-жойга берилган